БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-йил чиқиши

116 (4575).

14 ИЮНЬ ЧОРШАНБА 1972 йил

Баҳоси 2 тийин.

ОҚҚЎРҒОН. «Москва» колхозида сифатли культивациядан чиқарилаётган ғўзалар тез ўсмоқда. Суратда: колхознинг илғор механизатори Муслим Тафиев. У ғўза культивациясида фаол қатнашмоқда.

А. Абалян фотоси.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз чорвадорлари муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Қўйлардан жун қирқиб олиш плани районда биринчи бўлиб ошириб бажарилди. Давлатга пландаги 9000 ўрнига 11292 килограмм юқори сифатли жун сотилди. Ҳар бир бош қўйдан олинган жун 3 килограммдан кўпроқ келди.

Давлатга топширилган қимматбаҳо хомашёнинг 80 процентдан кўпроғи юқори сифатли бўлди. Бунда кундалик нормаларини 3—4 баравар бажарган С. Умаров, И. Исломов, Х. Довов каби ўртоқларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Х. ХОЛМАТОВ.

ИЛҒОР СУТ СОҒУВЧИ

Бекобод районидаги «Победа» колхози йилдан-йилга ривожланиб, илғор хўжаликлар қаторидан ўрин олмоқда. Айниқса ўтган йили катта ютуқларга эришилди. Пахтачиликда кескин бурилиш ясалди, ялпи ҳосилнинг 80 процентидан кўпроғини «зангори кема»ларда териб олинди. Бу, албатта, колхоз аъзоматларининг фидокорона меҳнати натижасидир. Улар партиямизнинг XXIV съезди қарорларини амалга ошириб, қўлга киритилган ютуқларни шонли тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам мустаҳкамлаш, чорвадорлар 250 тонна сут, 40 тонна гўшт маҳсулоти етказиб бериш ниятида астойдил тер тўкмоқдалар. Бу борада сут соғувчилардан Б. Оқбўтаеванинг иши мақтовга лойиқдир.

У бултур ўзига қарашли 17 бош сигирнинг ҳар биридан 2000 литрдан сут соғиб олиб зиммасидаги социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди.

Колхоз фермасида Оқбўтаева сингари моҳир сут соғувчилар кўп. Улар зиммага олинган социалистик мажбуриятни сўзсиз бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

З. ЮСУПОВ.

ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КОМПОЗИТОР М. А. АШРАФИЙНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет музика санъатини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлганлиги муносабати билан композитор Мухтор Ашрафович **Ашрафий Ленин ордени** билан мукофотлансин.

ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

ССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1972 йил, 12 июнь.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАНЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 13 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Бўка	0,6	132,1
Оққўрғон	1,1	126,1
Бекобод	0,2	122,5
Ўрта Чирчиқ	1,2	120,7
Оҳангарон	3,5	120,2
Пискент	0,5	116,6
Янгийўл	0,2	113,3
Юқори Чирчиқ	4,5	111,6
Оржоникидзе	0,6	100,6
Калинин	0,6	98,2
Бўстонлиқ	8,7	91,1
Область бўйича:	1,6	113,0

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА АЛКОГОЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети шу масала юзасидан қабул қилган қарорида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетларига ва бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кескин сабот-матонат билан қатъий кураш олиб боришни, коллективларда ва аҳоли яшайдиган жойларда оммавий-сиёсий ва маданий-тарбиявий ишни кенг кўламда қизитиб юбориш, ичкиликбозликка қарши пропагандани кучайтириш, спиртли ичимликни суиистеъмол қилувчи кишиларга жамоат ва маъмурият йўли билан таъсир ўтказиш самарадорлигини ошириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш мажбуриятини юклади.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот комитетига, СССР Министрлар Советининг Телевидение ва Радиоэшиттириш давлат комитетига, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кинематография комитетига, СССР Маданият министрлигига, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетига, Бутуниттифоқ «Билим» жамиятига, марказий ва маҳаллий газета ҳамда журналларнинг редакцияларига ичкиликбозликка қарши пропагандани кучайтириш, ичкиликбозлик одамларнинг сиҳат-саломатлигига, болалар ва ўсмирларни тарбиялашга, бутун совет жамиятига жуда катта зарар етказишини тушунтириш мақсадида матбуотдан, радио ва телевиденедан, кинолардан, томоша тадбирларидан, лекция пропагандасидан, физкультура ва спортдан янада актив фойдаланиш таклиф қилинди.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига, СССР Маориф министрлигига, СССР Педагогика фанлари академиясига, СССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитетига ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда ичкиликбозликка қарши пропаганда системаси ҳамда ўқувчи ва ишчи ёшларни тарбиялаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш топширилди.

КПСС Марказий Комитети меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари зиммасига касаба союз, комсомол, физкультура ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан бирга, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарларига дам олиш ва байрам кунларида меҳнаткашларнинг бўш вақтини маданий ўтказишни яхшироқ ташкил қилиш чораларини кўришни топширди.

Шу мақсадда меҳнаткашлар шаҳардан ташқарида дам оладиган базаларни кенгайтириш ва ўпайтириш, бунинг учун, жумладан, пионер лагерлари болаларга хизмат кўрсатишдан бўшаган вақтларда улардан фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш; шаҳардан ташқаридаги истироҳат зоналарида чанғи учиш базалари, яхмалакларни, кинофильмлар кўрсатиладиган павильонлар ва майдонларни, қироатхоналарни, қайиқ станцияларини, прокат пунктларини барпо этиш, спорт маданий-маиший буюмлар ва туристик анжомларни қўшимча равишда кўпайтиришни таъминлаш; колхоз ва совхозларда, шаҳарлар ва посёлкаларнинг уй-жой кварталларида спорт майдончалари, теннис кортлари, яхмалаклар ва шу сингарларни кўпайтириш ва кенгайтириш чораларини кўриш лозим.

СССР Маданият министрлигига, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кинематография комитетига, кино-театрларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, санаторийларда, дам олиш уйларида, пансионатларда, парклар да очиқ майдонларда ичкиликбозлик ва алкоголизмнинг зарарини тасвирлайдиган илмий-оммабоп ва ҳужжатли кинофильмларни тезкор кўрсатишни ташкил қилиш таклиф этилди.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

АЛМАШЛАБ ЭКИШНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВА ЎЗЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ ер давлат мулки, яъни умумхалқ бойлигидир.

Колхозлар, совхозларга ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларига берилган ерлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий воситаси бўлиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш планларига мувофиқ, халқ хўжалигининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланилади.

Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисидаги кодекси талабларига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган барча ерлар, айниқса сугориладиган ва заҳи кетказилган ерлар, яъни қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш учун белгиланган ерлар муҳофаза қилиниши ва рационал фойдаланилиши лозим.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари фан ютуқлари ва илғор тажриба асосида деҳқончиликнинг гоят самарали системасини, экин майдонларининг энг яхши структурасини жорий этишлари, хўжалик тармоқларини иқтисодий жиҳатдан фойдали тарзда бирга қўшиб олиб боришлари, энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришлари, шунингдек фойдаланилмай ётган ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритишлари зарур. Шу мақсадда аралаш, оралиқ ва такрорий экинлар экиш усулини қўлланган ҳолда, алмашлаб экишни жорий қилиш уларнинг иш фаолиятига асос қилиб олиниши лозим, бу эса пахта ва, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда жамоат чорвачилигини янада юксалтириш учун мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтиради.

Ерлардан алмашлаб экиш асосида тўла-тўкис ва самарали фойдаланишни давлат аҳамиятига эга бўлган катта ва муҳим иш деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Белгилаб қўйилсинки, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларда аралаш, оралиқ ва такрорий экинлар экишни қўшган ҳолда алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш соҳасидаги асосий вазифалардан биридир.

2-модда. Колхозларга, совхозларга ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларга қишлоқ хўжалиги учун бериб қўйилган ерлар аввалдан ишлаб чиқилган ҳамда иқтисодий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш схемаларига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланилади, бунинг учун шу колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш перспектив ва йиллик планларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш, жамоат чорвачилигини янада юксалтириш учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш мақсадида сугориладиган ва заҳи кетказилган ерлардан аксари беда ва бошқа қимматбаҳо ем-хашак экинлари экиш ҳисобига максимал даражада фойдаланишни таъминловчи алмашлаб экиш усулини жорий қилиш ва ўзлаштириш тадбири албатта кўзда тутилади.

3-модда. Қишлоқ хўжалик экинлари билан банд бўлган ер участкаларини қурилиш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун олишга, шунингдек уларни алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштириш шарт-шароитларига ёмон таъсир қиладиган тарзда вақтинча эгаллашга асло йўл қўйилмайди; жуда зарур бўлиб қолган ҳолларда ва фақат Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг рухсати билангина бунга йўл қўйиш мумкин. Бундай ҳолларда ердан фойдаланувчиларга етказилган зарарлар, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни кўрган зиён ер тўғрисидаги қонунларда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4-модда. Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштириш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, фан ютуқлари ва илғор тажрибани қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этиш, ер майдонларидан самарали фойдаланиш ишларини ўз вақтида амалга оширишларини таъминлаш ҳамда ушбу Қонун талаблари бажарилиши устидан қатъий контроль ўрнатиш Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, механизаторлар депутатлари область, район ва қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари зиммасига юклатилсин.

5-модда. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, механизаторлар депутатлари область, район ва қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Совхозлар министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси ва уларнинг жойлардаги органлари алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштириш ишлари қандай амалга оширилаётганлигини ҳар йили текшириб бориб, алмашлаб экишни жорий қилмаётган колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари раҳбарларини ва агрономларини зарур ҳолларда жавобгарликка тортиш масаласини кўйишлари лозим.

6-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ушбу Қонун қандай бажарилаётганлиги устидан контроль олиб бориш ва ўз мажлисларида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, механизаторлар депутатлари область ҳамда район Советлари ижроия комитетларининг алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштириш аҳволи ҳақидаги ҳисоботларини систематик равишда муҳокама қилиб туриш вазифаси топширилсин.

7-модда. Қуйидаги қонун актлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

а) «Ўзбекистон ССР колхозлари ва совхозларида алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш тўғрисида» 1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Қонуни (Бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессияси мажлисларининг стенографик ҳисоботи);

б) «Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР колхозлари ва совхозларида алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги 1959 йил 21 май Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1962 йил 28 февралда чиқарган Фармон (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1962 йил, 7-сон);

в) «Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР колхозлари ва совхозларида алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги 1959 йил 21 май Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми чиқарган Фармонни тасдиқлаш ҳақида» 1962 йил 25 июнда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Қонуни (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари. 1962 йил, 18-сон).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1972 йил 9 июнь. Тошкент шаҳри.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЖАЗОИРДА БЎЛИШИ

ЖАЗОИР, 13 июнь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги КПСС делегацияси билан революцион фронт аъзоси, миллий озодлик фронти партияси аппаратининг масъул ходими Аҳмад Каид бошчилигидаги Жазоир миллий озодлик фронти партияси делегацияси ўртасида бу ерда бўлиб ўтган музокаралар тугади.

Ш. Р. Рашидов ва А. Каид КПСС делегациясининг Жазоир Халқ Демократик Республикасида бўлиши тўғрисидаги Қўшма ахборотни ҳамда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Жазоир Миллий Озодлик фронти партияси ўртасидаги алоқалар ҳақидаги протоколни имзолашдилар.

КПСС делегациясининг бошлиғи Жазоир ва чет эллик журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказиб, Жазоирда совет делегацияси ҳушнудлик билан самимий қабул қилинганлиги учун миннатдорчилик изҳор этди. Совет—Жазоир дўстлиги ва ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун энг қулай истиқболлар мавжудлигини айтди.

Кеча Ш. Р. Рашидов Жазоирнинг Бумердес шаҳридаги миллий нефть институтида бўлиб, Совет халқининг Жазоир халқига туҳфаси тариқасида қурилган институт лабораториялари ва ўқув корпусларини кўздан кечирди.

СССРнинг Жазоир Халқ Демократик Республикасидаги элчиси С. С. Гурзинов КПСС делегацияси шарафига шу куни қабул маросими ўтказди. Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди.

ЭРОНЛИК МЕҲМОН

Эрон гидроресурслар ва энергетика министри Ирож Воҳидий Тошкентга келди. СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари К. К. Шубладзе унинг сафарига ҳамроҳ бўлмоқда.

13 июнда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев Эрон министрини қабул қилди.

И. Воҳидий Ўзбекистонда бир неча кун бўлади. У каттакатта гидротехника иншоотларини кўздан кечиради, сув хўжалиги қурилиши билан танишади.

(ЎзТАГ).

МУДОФАА ИШИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ УЧУН КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

13 июнда ДОСААФ активлари, партия, совет, комсомол ва касаба союз ходимлари, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг офицерлари ва генераллари Тошкент округ офицерлар уйига тўпландилар. Республика ДОСААФ ташкилоти мудофаа активининг бу ерда бўлиб ўтган йиғилишида ташкилотга ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР ДОСААФ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроғи берилди. Республика ДОСААФ ташкилоти кўнгилли мудофаа ташкилотларининг социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун шу байроққа сазовор бўлган эди.

Кўчма қизил байроқни СССР ДОСААФ Марказий Комитетининг раиси, уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-полковник А. И. Покришкин топширди. У республика ташкилоти ходимларя ва активларини оммавий мудофаа ва ҳарбий спорт ишида эришган юксак кўрсаткичлар билан самимий қутлаб, уларга партия XXIV съезди белгилаб берган вазифаларни бажаришда, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик кўришда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон, СССР ДОСААФ Марказий Комитетининг раиси полковник А. М. Ҳожибоев юксак мукофот учун қизғин миннатдорчилик изҳор этди.

Республика мудофаа активи йиғилишининг қатнашчилари умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонунни бажариш юзасидан ДОСААФ вазифаларини муҳокама қилдилар.

(ЎзТАГ).

ҒЎЗАНИ ЧУҚУР КУЛЬТИВАЦИЯ ҚИЛИБ, ҚОНДИРИБ СУҒОРАИЛИК

Пискент районидаги Свердлов номли колхозда бир ғалати одат бор. Айрим раҳбар ўртоқлар ваъда беришади-да, кейин унутиб қўйишади. Агар уларга тантанали ваъдаларини эсларига солиб қўйсангиз борми, ҳеч тортинмай турли-туман баҳоналарни қалаштириб ташлашади. Сувдан қурук чиқмоқчи бўлишади.

Яқинда бўлган район партия активининг йиғилишида Свердлов номли колхозидаги шу кеча-кундузда ҳукм сураётган аҳвол ҳақида яна кўпгина аччиқ гаплар бўлди. Колхоз ғўза қатор ораларига ишлов беришда шармандаларча орқада. Дала ишларининг ташкил қилиниши талабга тўла жавоб бермайди. Меҳнат интизоми бўш. Мўл ҳосил етиштириш юзасидан мусобақа кучайтириб юборилмаган. Шунинг учун ҳам правление томонидан тузилган график куи сайин бажарилмаяпти. Ғўзани сугориш учун ажратилган сувчиларнинг ярмидан камроғи далага чиқяпти. Улар ҳам суғоришни шошма-шошарлик билан ўтказмоқдалар. Колхозда ғўзани чопиш сифатсиз. Чопиқдан чиқарилган майдонларда икки-уч кундан кейин яна бегона ўт пайдо бўляпти. Ўти чала ўлдирилган ғўза эгат ташлаб, кетма-кет сугорилмоқда. Кўпгина карталарда ғўзанинг ривожи ёмон. Ниҳоллар ўсишдан қолиб, қизил пача бўлиб қолган. Колхоздаги мавжуд тракторларнинг ҳаммаси ишга солинмаган. Механизаторларнинг иши устидан раҳбарлик қилиш йўлга қўйилмаган. Культиваторларнинг иш органлари ўтмас бўлиб кетган. Қатор оралари тор ва саёз культивация қилинаяпти. Бундай аҳволнинг рўй бериши орқасида ғўзалар (уркираб, яшнаб ўсмаяпти. Барча майдонлардаги ғўзанинг 17 процентга яқинигина шоналай бошлади холос. Ғўзанинг бундай аҳволга тушиб қолганлигига ким сабабчи? Биринчи галда ранс, бош агроном ва бригада бошлиқларидир. Колхоз раиси А. Абдумўминов ҳар галгидек бу кенгашда ҳам мисбарга чиқиб йўл қўйилган камчиликларга иқрор бўлди. Тузатишга сўз берди. Унинг бу гапи ҳам кўпчиликнинг чалғитиш эди. Чунки, раис далалари ҳақиқий аҳволни чуқур, атрофлича билмасдан туриб гапирган эди. Йиғилиш қатнашчилари колхознинг бош агрономи Абдурасул Отабоевга ҳам сўз беришди. У ҳамма гапни раис айтди, хатоларни ўзи ҳам тан олди. Лекин бу хатоларни тузатамиз дейиш билан чегараланди.

Йиғилишда 2-«Пискент» совхози, Калинин номли колхозлардаги айрим боқи-бегам раҳбарларнинг иш услублари ҳам қаттиқ танқид қилинди. Бу хўжаликларда ғўзани сугориш, культивация қилиш яхшиланмаяпти. Калинин номли колхозининг бош агрономи Абдусамад Холжигитов ва бошқа мутахассис ўртоқлар 18—20 ўринга 8 сантиметр чуқурликда ўтказилаётган майдонларни кўздан кечириб, яхши культивациялар каторига қўшиб қўйишмоқда. Бу хўжаликларда ғўзани икки сменада сугориш йўлга қўйилмаган. Кўпгина карталардаги ниҳоллар сувсизликдан чанқаяпти.

Йиғилишда Тельман номли колхозининг бригада бошлиғи Ҳакимполвон Қодиров сўзга чиқди. У шу кунларда бегамлик кайфиятида юрган кишиларни танқид қилиб, қуйидагиларни айтди:

— Мен ўттиз беш йилдан бери бригадага бошчилик қиламан. Шу вақт ичида жуда кўп тажрибалар орттирдим. Ҳаво салқинми, дарҳол кўчат илдизларига иссиқлик бериш зарур. Кўчатнинг ён атрофини уч-тўрт кунда қўзғатиб, юмшоқ тутиш керак. Бунинг учун культивация, чопиқ сифатли бўлсин. Ер юзидаги иссиқ тупроқ пастга тушиб, ғўзанинг томирларини яйратсин. Бу эса илдизларни нафас олишини ва ниҳолларни тезроқ ўсиб ҳосилга киришига хизмат қилади. Ҳар бир бригаданинг бошлиғи қилаётган ишини танқидий кўз билан кузатиб туриши лозим. Ўсишдан орқада қолаётган карталарнигина эмас ҳатто ҳар бир туп кўчатдан кўз-қулоқ бўлиб, уни кечаю-кундуз тез амал олиши ҳақида қайғурмоқ керак.

Саратон кирди. Ғўза сувни кўп талаб қилади. Шундай пайтда уни эгат ташлаб сугориш мумкинми?! Қир, бўз ерда қатор ораларига жилдиратиб сув тараш лозим. Ғўза пуштасидаги тупроқ қораймасдан сувни тўхтатмаслик керак. Свердлов номли колхоз сувчиларидек сон орқасидан қувиб ғўзага сув берадиган бўлсак алданиб қоламиз.

Бригадамизда ҳамма иш агротехника — қоидаларига мувофиқ олиб борилаяпти. Шу сабабли ғўзанинг ривожи яхши, ўти йўқ, қийғос шоналаган. Ҳар тупда уч-тўрттадан шона бор. 28 июнга қадар ёппасига гулга киради.

Биз янгийўллик эллик центнерчилар ҳаракатини қўллаб-қувватлаб ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта топширамиз.

Йиғилишда область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **С. Асомов** қатнашди ва нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари янги-йўллик 50 центнерчилардек ишлаб юбилей йилида ҳар гектар ердан мўл ҳосил етиштириш юзасидан муҳим тадбирларни белгиладилар.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ХАТЛАР

КОЛЛЕКТИВ АВАНГАРДИ

Кекса бинокорларимизнинг ҳаётида ўша кунлар. Бошқармамиз янги ташкил этилган кезларда партия ташкилоти ҳисобида учта коммунист бор эди, холос. Йиллар ўтиши билан сафимизга бетончилар, монтажчилар ва бошқа касб вакиллари келиб қўшилишди. Мана ҳозир, саккизта комплекс бригада қурилиш майдонларида меҳнат қилянти. Бошланғич партия ташкилотимиз сафида 40 коммунист бирлашган.

Чилонзорда қад кўтарган кўпгина йирик панелли уйларни биз қурганмиз. Тўққизинчи бешйилликнинг иккинчи йилида ҳам коллективимиз зўр ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Ўтган ойларда 3,5 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш монтаж ишлари бажарилди. Барча кўрсаткичлар бўйича план топшириқлари оймаой ортиғи билан адо этиб келинмоқда.

Биз тез ва соз қуришга одатланганмиз. Пардозлашга топширилаётган иморатларнинг ҳаммаси «яхши» ва «аъло» баҳолар билан қабул қилиб олинмоқда. Қурилиш суръатини оширишда ва иш сифатини яхшилашда коммунистларимиз алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар меҳнатга ва шахсий ҳаётда партиясизларга намуна бўлмоқдалар. Коллектив олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажариш йўлида бор имкониятларни ишга солмоқдалар.

Ойда бир марта ўтиб турган партия йиғилишларида биз бир томондан ўтган даврда бажарилган ишларга якун ясасак, иккинчи томондан бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олмоқдамиз. Шуниси қувончлики, бирор бир нуқсон содир бўлса, коммунистларимиз бу камчиликни ўша жойнинг ўзида тезкорлик билан бартараф этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бир пайтларда П. Логинов билан М. Чернишов ўртоқлар бош бўлган бригадаларда иш сифати пасайиб кетди. Бошқарма коммунистлари бу нуқсоннинг сирини ўрганиб, партия мажлисида муҳокама қилдилар. Ўшанда сўзга чиққан коммунистлар қурилиш сифатини яхшилашга қаратилган конкрет таклифларни ўртага ташладилар. Кейин шу таклифлар асосида қарор қабул қилдилар. Қарорнинг бажарилиши туфайли қурилиш сифати анча яхшиланди.

Бундан ташқари коммунистлар ўтказаётган суҳбатлар давомида ҳам ишдаги камчиликлар бамаслаҳат бартараф этилмоқда. Илғор бригада бошлиқлари В. Федотов, А. Курагин, Н. Даниленко ва бошқа ўртоқлар ўтказаётган суҳбатлар айниқса фойдали бўлмоқда.

Бошқарма партия ташкилоти бюроси бригадаларда тузилган цех партия ташкилотлари фаолиятини маълум мақсадлар сари йўналтириб турибди. Коммунистлардан тушаётган таклифларни ҳисобга олиб, биз йиғилишлар кун тартибини белгиламоқдамиз. Ўтган ойларда қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш, КПСС Устави талабларининг коммунистлар томонидан бажарилиши, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига оид масалаларни йиғилишларда муҳокама қилдик.

Ҳар бир йиғилиш кун тартиби коммунистларга икки ҳафта олдин маълум қилинади. Икки ҳафта давомида улар ўз фикрларини жамлаб, маълум таклифлар билан йиғилишга келадилар. Бу тадбир коммунистларнинг активлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бошқармамизда коммунистлар обрўси йил сайин ошиб бормоқда. Шу боисдан ҳам партияга қабул қилишни сўраб ариза бераётган бинокорлар сони ҳам йил сайин кўпаймоқда. Ўтган ойларда биз меҳнатда ўзини кўрсатган, актив жамоатчи ишчилардан уч кишини партия сафига қабул қилдик. Яна уч киши партияга киришга тайёрланмоқда. Уларни биз ҳар томонлама синамоқдамиз.

Партияга кирувчи ўртоқларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билимларини оширмоқдалар, сиёсий билимларни қунт билан ўрганмоқдалар. Айни пайтда ишлаб чиқаришда ҳам пешқадамлик қилмоқдалар. Шакшубҳа йўққи, коммунистларимиз ғайрати билан биз йиллик планни муддатидан илгари адо этиб, СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб оламиз.

Ю. ДАНИЛОВ,
Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати 1-бошқармаси партия ташкилотининг секретари.

Тошкент тепловоз депосида каттадан-кичик Ҳамдам ака Шорасуловни ҳурмат қилади. Механика цехининг кекса ишчиси ўртоқ Шорасулов смена топшириқларини донмо ошириб адо этиб, барчага ўрнак кўрсатмоқда. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

БОЙ ТАЖРИБА УЧУН

Педагоглик касби мунтазам фикр доирани кенгайтириб боришни, ўз устида ишлаш, билим ва тажрибани бойитишни тақозо этади. Отпускани самарали ўтказишда асосан шу нарсаларга эътибор берилади.

— Ёзги каникул кунларида,— дейди Тошкент ўқитувчилар уйи ҳузуридаги ветеранлар Советининг раиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи А. Рустамов, — металлурглар шаҳри Бекободга экскурсия уюштирамиз. Улар орасида тошкентлик ўқитувчилар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Шарофиддинов, Ўқитувчилар уйининг директори А. Умаров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчилар Ҳ. Юсупова, Ш. Шомуҳамедов, халқ маорифи аълочиси К. Ҳакимов, К. Иноғомов, З. Раҳмонзода ва бошқалар бор. Бу тажрибали педагоглар маҳаллий халқ университетларида ота-оналарга ёш авлодни тарбиялашда оиланинг роли, СССР 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида лекциялар ўқишади.

Ўқитувчилар уйидаги педагогик пропаганда сектори бир группа тошкентлик ўқитувчиларнинг Душанбега саёҳатини планлаштирмоқда. Улар Тожикистон пойтахтида ҳамкасблари билан тажриба алмашадилар.

Шунингдек, бир группа директор ва ўқитувчилар янги ўқув йилига тайёргарлик кўришга ўз ҳиссаларини қўшишмоқчи. Шаҳарда қоладиган бошқа педагоглар учун эса шаҳардан ташқарига оммавий чиқишлар планлаштирилган, кутубхоналар уларнинг хизматида.

Х. АЛЬТМАН.

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

1972 йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш плани 104,8, уни реализация қилиш топшириғи 101,7 процент қилиб адо этилди. Бу ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқариш бўйича 18,1, сотиш бўйича 9,6 процент ортиқдир. Шу билан бирга маҳсулот тури ҳам кўпайди. Ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш, янги технологияни жорий қилиш ҳисобига кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Мутахассис кадрлар тайёрлашда ҳам бирмунча ютуқлар қўлга киритилди.

Бироқ, шу билан бирга маҳаллий саноат корхоналари ишида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айрим корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича белгиланган планларини бажармаяптилар. Олмазор комбинати, Ангрен тикув фабрикаси ва Тошкент райпромкомбинати шулар жумласидандир. Бу корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш планлари бажарилмаяпти. Айниқса, энг зарур — пишиқ ғишт тайёрлаш плани атиги 72 процентгина бажарилган.

Оққўрғондаги тўқимачилик ва атторлик буюмлари фабрикасини реконструкция қилиш ишлари ниҳоятда чўзилиб кетди. Оржоникидзе хўжалик-маиший буюмлар фабрикаси ва Ўрта Чирчиқ тикувчилик фабрикаларида шу пайтгача ишчи ўринлари тўла таъминланмаган.

Область ижроия комитетининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ана шу камчиликлар муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

ЭЛ СОҒЛИГИ—ЮРТ БОЙЛИГИ

Область соғлиқни сақлаш бўлимининг ходимлари аҳоли саломатлигини сақлаш, медицина тармоқларини кенгайтириш бўйича анчагина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шаҳар ва қишлоқларнинг шифохоналарида койкалар миқдори пландаги 13500 ўрнига 13550 та етказилди.

Лекин шу билан бирга область соғлиқни сақлаш бўлими иш фаолиятида айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, кўпинча қабул қилинган қарорлар, буйруқлар амалга оширилмай қолади. Бўлимга келган айрим ҳужжатлар ўз вақтида кўрилмайди.

Аппаратдаги айрим масъул ходимларнинг ишга совуққонлик билан қараганликлари туфайли юқори ташкилотлардан юборилган қарорлар ўз вақтида жойига етказилмай бир-икки ойлаб сақланиб қолади. Шунинг оқибатида область соғлиқни сақлаш бўлими томонидан юқори органларнинг қарор ва топшириқлари ўз вақтида бажарилмайди. Масалан, соғлиқни сақлаш объектларини қуриш бўйича 1 квартал плани 60 процентгина бажарилган. Шунингдек, болаларни бепул боқиш ва айрим касалликларни даволаш бўйича 1 квартал сарфланиши лозим бўлган бюджетда ажратилган 216,8 минг сўм маблағ фойдаланилмай қолган.

Область соғлиқни сақлаш бўлимига бу камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилган тадбирлар ҳақида 1 июлгача ҳисоб бериш топширилди.

ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Далаларда иш қизғин. Пахтакорларимиз мўл-ҳосил иштиёқида ғўза парваришини кучайтирмоқдалар. Ғалла хирмони ҳам баракали бўлиши кутилмоқда. Ем-хашак ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам юқори ҳосил олиш тадбирлари кўрилмоқда. Ҳосилни йиғиб-териб олиш ва давлат тайёрлов органларига ўз вақтида етказиб бериш учун эса ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриш лозим. Бу колхоз ва совхоз раҳбарлари, мутахассислар, қишлоқ хўжалиги органлари, бир сўз билан айтганда ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Область ижроия комитетида бу масала муҳокама қилиниб қатор тадбирлар белгиланди. Хўжалик раҳбарлари, мутахассисларнинг асосий эътибори пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ривожланишидаги қолоқликни тугатишга қаратилди. Айниқса, сел-дўлдан зарарланган экинларга алоҳида эътибор бериш керак. Сув камчил бўлган жойларда сувдан тежаб-тергаб фойдаланилсин. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг энг самарадор воситаларидан фойдаланиш лозим. Машина терими учун ажратилган майдонлар ғўзасини дефолиация қилишга ҳозирдан тайёргарлик кўриш лозим. Шу йилнинг 25 августидан кечиктирмасдан барча терим техникасини шай қилиб қўйиш, ҳар бир терим машинаси ишини икки сменада ташкил этиш, механик-хайдовчи кадрлар ўқувини ташкил этиш лозим.

Шунингдек, ғалла ўрими ва янчишни ҳам ўз вақтида ва сифатли ўтказиш юзасидан қишлоқ хўжалик бошқармаси, совхозлар трести, «Узселхозтехника»нинг область бирлашмаси зиммасига бир қатор вазифалар юклатилди.

ҚУЙЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Қўйчилик хўжаликлари маҳсулотини реализация қилиш ҳисобига кўплаб даромад олмоқдалар. Лекин бу соҳада резервлар имкониятлар катта. Колхоз ва совхозлар қўй сақлайдиган қурилишларга тўла эга эмаслар, айниқса, қўйчиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнлари механизациялашган эмас. Бир қатор хўжаликларда қўйларни уруғитиб кўпайтириш кўнигмадагидек эмас. Масалан, бу йил Калинин райони хўжаликларида ҳар 100 бош совлиқдан 58 тадан, Янгийўл районида 68 тадан, Оҳангарон районида 75 тадан қўзи олинди. Совлиқларни кўпайтириш талаб даражасида эмас, қўйни яйловда ва бўрдоқига боқиш намунали йўлга қўйилмаяпти.

Ижроия комитет мажлисида бу масала атрофлича муҳокама қилинди ва область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, совхозлар трести, район ижроия комитетларига қўй ва эчкиларнинг туёғини кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни бажаришни тезлаштириш топширилди.

НУТҚ МАДАНИЯТИГА БАҒИШЛАБ

Нутқ маданияти нима? Нотиқлик санъати-чи? Ёзма ва оғзаки нутқни ўстириш, камол топтириш учун нима қилиш керак?

Бундай саволларнинг туғилиши табиий. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги нутқ маданияти консультация бюроси ва Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ташаббуси билан чақирилган анжуман ана шу проблемаларни ҳал этишнинг конкрет тадбирларини белгилаб олишга қаратилди. Бу ҳақда нутқ маданияти консультация бюросининг раиси профессор С. Иброҳимов гапириб берди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси педагогика фанлари кандидати У. Салоҳиддинов, филология фанлари кандидати Э. Бегматов, Тошкент чет тиллар педагогика институтининг ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати С. Исматов, республика хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Мирзаев, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходими Ф. Каримов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, қимматли фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ўқув-методика кабинетининг мудири О. Шарипов ҳамкорликда амалга оширадиган ишларнинг аниқ мазмуни хусусида гапириб, бу борада тўплаган илм тажрибаларини умумлаштириш зарурлигини айтди.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Янгийўл район колхоз ва совхозларининг механизаторлари райондаги ихтисослашган устахона ишчи-хизматчилари меҳнатидан мамнун бўлмоқдалар. Чунки устахона коллективи қишлоқ хўжалиги ишларида кенг фойдаланаётган турли-туман машина механизмларини ремонтдан чиқариб, қайтадан тиклашяпти.

Ремонтчилар тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилини яхши якунлаш ва СССР ташкил топган кунининг ярим асрлик юбилейини муносиб кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Социалистик мусобақа авж олдириляпти. Ремонт ишларининг прогрессив усулларн тобора кенг қўлланилмоқда. Шу туфайли ҳам беш ойлик план анча ортиғи билан адо этилди. Қўшимча 50 минг сўмликдан ортиқ ремонт ишлари амалга оширилди.

ЕТАКЧИ

Қурилишда ҳаёт қайнайди. Ишга тушган агрегатлар бир томонда гувуллаб нур ишлаб чиқаряпти. Иккинчи томонда эса, навбатдаги агрегатларга пойдевор қўйиляпти. Мирҳайдар ўйинчи синфни битириб, қурилишга келганида Чорвоқ ГЭСи пойдеворига дастлабки кубометр бетон қоришмаси қўйилган эди. Ўша кезлар қурилишга ишчи кучи сув билан ҳаводек зарур эди. Ёш йигит шуни ҳис этди шекилли, дарров қурилишда қолақолди.

Уни бетон қоришмалари тайёрлайдиган заводга ишга олишди. Бу участкада ишлаётганларнинг кўпчилиги катта тажрибага эга бўлган кишилар эди. Уларнинг аксарияти илгари бошқа қурилишларда ҳам ишлаб, катта тажриба орттирishган эди. Мирҳайдарнинг бахти бор экан, мана шундай ишбилармон ишчилар орасига тушиб қолди. Тезда қоришма қорувчи агрегатларни мустақил бошқарадиган бўлиб олди. Тиришқоқлиги ва ишчанлиги билан ҳамкасблари ҳурматини қозонди.

У ўз касбининг ниҳоятда нозик эканлигини яхши биларди. Сунъий денгиз тўғони ҳам, гидротурбиналар пойдевори ҳам у қораётган бетондан қад кўтарарди. Шу боисдан ҳам қоришманинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор берди. Брақа йўл қўйганларни эса ичидан ҳам ёмон кўрди. Мана шу фазилатлари учун ҳам тезда унга катта ишонч билдиришиб смена мастери вазифасига кўтаришди.

Янги вазифанинг қўшимча масъулиятлари ҳам бор эди. Тиришқоқ йигит энди меҳнатни тўғри ташкил этишга, вақтдан унумли фойдаланишга ва тайёрланаётган маҳсулот сифатини янада яхшилашга эътиборни кучайтирди. Бетон қорувчилар ғайрати ва бетон қуювчилар меҳнати билан ГЭСнинг учта агрегати муддатидан олдин ишга туширилди.

Мана бугун ўлкан қурилиш майдонида иш яна ҳам тез суръатлар билан давом этяпти. Коммунист Мирҳайдар Халилов бошлиқ смена аъзолари Чорвоқ ГЭСининг сўнгги агрегати қурилиши учун зарур бўлган қоришмаларни етказиб бериб турибди. Бинокорлар ва монтажчилар бу агрегатни ёз ойларида фойдаланишга топширишмоқчи. Бир пайтнинг ўзида сунъий денгиз тўғони қурилиши ҳам давом эттирилмоқда.

Коммунист бинокор Мирҳайдар Халилов ишдан қўли бўш қолди дегунча жамоат топшириқларини бажаришга тутинади. Бетон заводи комсомоллари ўтган йили уни ўзларига дарға қилиб сайлашган эди. Мирҳайдар бу ишончни оқлаб, ёшларни тобора олға етакламоқда. Улар орасида турли мавзуларда суҳбатлар ўтказмоқда.

Суҳбатларнинг кўпчилиги партиямиз XXIV съезди қарорларининг ҳаётбахш кучига бағишланяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, Мирҳайдарнинг ўзи съезд делегати бўлиб, улкан анжуманда қатнашган эди. Мана энди съездда қабул қилинган қарорларни амалга ошириш йўлида барчага бош-қош бўлмоқда.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
Чорвоқ поселкаси.

Пойтахтимиздаги чинни заводи коллективи СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги байрамига зўр тайёргарлик кўрмоқда. Шонли сана муносабати билан янги-янги чинни маҳсулотлари тайёрланмоқда. Чапдаги суратда чинига гул чизиш цехи ишчиси Дилором Зуфарованн кўриб турибсиз. Ўнгдаги суратда эса юбилейга атаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар.

Х. Шодиев фотолари.

ПАРТИЯ ПРОПАГАНДИСТИ

Пахтакор ва пўлат қуювчи, бинокор ва тўқувчининг касбини, меҳнатини биз ниҳоятда қадрлаймиз, эъзозлаймиз. Яна шундай бир касб ҳам борки, коммунистик қурилиш жараёнини, меҳнат жабҳасида эришилаётган барча ютуқларни усиз тасаввур қилиш қийин. Бу — пропагандистлик касбидир. Пропагандист аслида пахтакор ва пўлат қуювчи ҳам, бинокор ва тўқувчи ҳам, бошқа касб эгаси ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, пропагандистлик унинг иккинчи истеъдоди, партия топшириғи ҳисобланади.

Партия пропагандистидан кўп меҳнат ва масъулият талаб этилади. У коммунистларга, партиясиз активларга марксча-ленинча фанни пухта эгаллашда, коммунистик қурилиш жараёнида ҳар ким ўз ўрнини белгилаб олиши ва умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшишда ёрдам бериши, меҳнаткашларни коммунистик ғоявийлик руҳида тарбиялаши зарур.

Партия ташкилотлари асосий эътиборни сиёсий ўқув машғулотларининг мазмунига, уларнинг ғоявий йўналишига, илмий-назарий даражасига қаратишлари бежиз эмас. Шунинг учун ҳам пропагандист кадрларга талаб катта. Бу ишга пухта тайёргарлик кўрган, назарий ва сиёсий билими етук кишилар танланади.

Шуни айтиб ўтиш кифояки, кейинги йилларда областимиз партия ташкилотларида бу муҳим ишга катта эътибор берила бошланди. Пропагандист кадрларнинг малҳоратини, билимини оширишга, тажрибаларини умумлаштиришга қаратилган қатор тадбирлар кўрилмоқда. Ҳозир областда 9 мингга яқин пропагандист ишлаб турибди. Уларнинг 90 процентдан ортиқроғи олий маълумотли, омма ўртасида сиёсий тарғиботчилик ишларини олиб боришга лаёқатли, тажрибали кадрлардир.

Областимизда ўз зиммасига юкланган вазифани сидқидилдан адо этаётган ва сиёсий ўқувни ҳозирги талаблар даражасида олиб бораётган пропагандистлар жуда кўп. Калинин районидаги Калинин номли колхоз марксизм-ленинизм асослари мактабининг раҳбари Т. Умаров ана шундай пропагандистлардан бири. У ўз қишлоғида йигирма йилдан буён пропагандистлик қилади. Ҳозирги вақтда фақат районда эмас, ҳатто областда ҳам энг яхши пропагандистлардан ҳисобланади. У мамлакатимизда ва чет элларда рўй бераётган воқеаларни тинмай кузатиб боради, ўз устида кўп ишлайди, назарий билимини тўхтовсиз оширади. Марксча-ленинча назарияни чуқур ва пухта билганлиги, дарс бериш методикасига риоя қилганлиги туфайли у ўқув жараёнида тингловчиларга таъсир ўтказа олади.

Чирчиқ шаҳар алоқа узелидаги марксизм-ленинизм асослари мактабининг пропагандисти ўртоқ А. Хўжаев педагогика асосларини пухта эгаллаган, дарс бериш методикасини яхши билади. Шу туфайли у ўзи раҳбарлик қилаётган КПСС тарихини ўрганиш тўгарагида ўқув машғулотларини муваффақиятли ўтказди. Пропагандист Хўжаев фаолиятининг ўзига хос ибратли томони шундаки, у назарияни амалиёт билан пухта боғлай билади, ўзининг, тингловчиларнинг ҳаётий тажрибаларини назарий билимлар билан қўшиб олиб боради. Мана, бир мисол, «Партия Улуғ Ватан уруши даврида» темасини ўрганиш пайтида пропагандист тингловчиларга маҳаллий материаллардан фойдаланиш тўғрисида топшириқ берди. Келаси машғулот қизиқарли суҳбатга айланиб кетди. Тингловчи Е. С. Селиверстова уруш йилларн саноатни Ғарбий районлардан Шарққа кўчириш соҳасида партиянинг улкан ишларини ҳикоя қилиб берди. У ўзи кўрган воқеалар — «Узбекхиммаш», «Чирчиксельмаш» заводларининг қанчалик тез суръатлар билан тикланганини хотирлади.

Машғулотда тингловчи И. Г. Гуциаловнинг мамлакат ичкарисида меҳнаткашларнинг кўрсатган жасорати ҳақидаги ҳикояси ҳаммада қизиқиш уйғотди. У Чирчиқ корхоналарининг уруш давридаги қаҳрамонона ишларини гапириб берди. Ўшанда Чирчиқ коммунистлари «Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун», деган шиор остида меҳнат қилган эдилар. Шундай қилиб, ўша кунги машғулотда тингловчилар кўз ўнгида Улуғ Ватан уруши даври тўла намоён бўлди. Бундай машғулотларда тингловчиларда коллективчилик фазилати тарбияланади, уларнинг бир-бирига ҳурмат-эътибори кучаяди. Демак, пропагандист ўз олдига қўйилган икки вазифани — кишиларга билим бериш ва ўқув жараёнида уларни тарбиялаб бориш вазифасини уддалай олди.

Партиямиз XXIV съезди пропагандистлар олдига одамларни тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишдан иборат конкрет вазифа қўйди. Ҳозир эса, ҳамма жойда СССР ташкил топганлигининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақа авж олиб кетди. Энг яхши пропагандистлар шу ҳаракатнинг олдинги сафларида бўлишмоқда. Бунда улар ҳам тарбиячилик, ҳам ташкилотчилик ишларини бирга қўшиб олиб боришмоқда. Тингловчиларни машғулотларда олган билимларини амалда қўлланишга ўргатиш пропагандист олдига қўйилган энг муҳим вазифаларнинг биридир. Пропагандист фақат фикрларини баён этиб, тарғиботчилик ишларини олиб боради, қандайдир бошқа бир киши эса оммани уюштиради, аниқ ҳаракатларга эришади, деб ҳисоблайдиганлар хато қилишади, деган эди С. М. Киров.

Бизда ўз тингловчиларида ижодий фаолликни уйғота оладиган моҳир ташкилотчи — пропагандистлар жуда кўп. Ленин ордени Олмалиқ кон-металлургия комбинати электроремонт цехининг технологи коммунист А. У. Максименко шундай пропагандистлар тоифасига киради. Унда пропагандистнинг истеъдоди, ташкилотчининг қобилияти ва инженернинг ақли мужассам. Бу йил у комсомол тўгарагида «Социалистик экономика асослари» курсини ўтди. Пропагандист ҳар бир тема ўтилаётганда тингловчиларнинг ижодий активлигини оширишга ҳаракат қилди, тажрибаларни ўртоқлашишга кенг имкон яратиб берди. «Меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ўстириш — муҳим иқтисодий вазифа» темаси ўрганилаётган пайтда комбинатдаги комсомол сиёсий маорифи тўгаракларининг кўпгина пропагандистлари келишди. Машғулотда тингловчилардан Володя Лисяков, Изольда Шарафиддинова ва бошқалар цех, бригада ҳаётидан олинган конкрет мисоллар асосида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари, партия XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш соҳасида қилаётган ишлари ҳақида жонли қилиб сўзлаб бердилар.

Партия ва комсомол сиёсий маориф шохобчаларида ўқув йилининг охирги — якунловчи машғулотлари ўтмоқда. Бундай машғулотлар тингловчиларнинг йил бўйи олган билимларига синовдир. Бу синовдан тингловчилар қанчалик яхши ўтсалар, пропагандистларнинг ҳам юзи ёруғ бўлади. Шу сабабдан якунловчи машғулотларни юқори савияда, зўр уюшқоқлик билан ўтказиш ҳар бир пропагандистнинг шарафли ва масъулиятли вазифасидир.

Д. УСМОНОВ,
Ўзбекистон КП Тошкент область комитети сиёсий маориф уйининг консультанти.

ҲАММАНИНГ ЎРНИ ДАЛАДА

Саидумар колхознинг энг жонкуярларидан бири ҳисобланади. У ёш бўлса ҳам меҳнатда чиниққан. Икки йил олдин у колхозимизда тракторчи бўлиб ишлар эди. Кейин Совет армияси сафига чақирилди. Мана бир неча ҳафтадирки, хизмат вазифасини адо этиб, яна ўз қишлоғига қайтиб келди. Ёру-биродарларини кўрди. Кейин идорага келиб трактор беринг, ишга чиқаман, деди.

Аввал мен нима дейишимни билмай қолдим. Кейин унинг кўнглини кўтариб, иш қочиб қутулмас, уч-тўрт кун дам олгин, кейин ўйлашиб кўрамиз, деб қўйдим.

Лекин, Саидумар ўз фикридан қайтадиганлардан эмас эди.

— Ўзингизга маълумки, — деди у, — бу йилги баҳор анча серёмғир келди. Далаларда бегона ўтлар кўпайиб кетди. Айрим карталарни кўриб, жуда ачиндим. Ҳозир ҳамманинг жойи далада бўлиши керак. Пенсионерлар ҳам чопиқ қилишяпти. Ўқувчи болалар ота-оналарига ёрдам беришяпти. Шуларни кўриб, ғайратим ошиб кетди. Яхшиси, мен ҳам далага чиқаман дедим. Ғўзаларни культивация қилиб, бегона ўтлардан тозалашга ўзимнинг ҳиссамни қўшсам бўлгани.

Мен ҳамқишлоғимнинг бу гапларидан жуда хурсанд бўлиб кетдим. Ахир, колхозга яна бир қўшимча ишчи кучи қўшилди. Мушкулимизни осон қиладиганлардан у. Шунинг учун унинг қўлини маҳкам сиқиб, машинага таклиф қилдим. Тўппа-тўғри 4-бригаданинг дала шийпонига бордик. У ерда турган тракторни кўрсатиб, бугундан бошлаб шунда ишлайберасан, дедим.

Сиз бу тракторнинг эгаси қани деб, сурашингиз ҳам мумкин. Аслида бундай. Бу трактор бир номард механизатор ташлаб кетибди. Уни мен яхши танийман. Кўп марта камчиликларини тузатишни илтимос қилганман. Қўлдан келган ёрдамларни аямаганман. Уй-жой қуриши учун анчагина қурилиш материалларидан ёрдам бердик. Томорқасини шудгордан чиқардик. Экадиганини экиб олди. Томорқаси бошқаларникидан кўп бўлса кўпки, кам эмас. Аммо у кейин турли баҳоналар билан дала ишларига қатнашмай қўйди. Тракторини дала шийпони олдига қолдирган. Пенсионер онасини, бола-чақасини ҳам ташлаб ўзи енгил ишни ахтариб, шаҳарга кетиб қолибди. Афсуски, барча имтиёзлардан тўла фойдаланиб, жамоат ишларида фаол қатнашмайдиган шундай ишёқмас, беҳаё кишилар ҳали ҳам орамизда учраб туради.

Саидумар бош инженер билан биргаликда культиваторнинг иш органларини зудлик билан кўздан кечириб чиқди. Бўшаб қолган гайкаларини бураб мустаҳкамлади. Кейин тўла қаноат ҳосил қилгач, трактор рулига ўтириб, машинани пахтазорга бурди.

Орқасидан узоқ қараб қолдим. Культиваторнинг иш органлари 14 сантиметр чуқурликка, икки эгат оралиғидаги 45 сантиметр бўшлиқдаги тупроқни юмшатиб, бегона ўтларнинг илдизи билан юлиб кетаётган эди.

Саидумарнинг бу ишини кечқурун барча тракторчиларга етказдик. Тошевнинг ватанпарварлик ҳаракати кўпчиликни ишга солди. Тракторларнинг барчаси далага чиқарилди. Механизаторлар ўртасида меҳнат интизоми яна ҳам мустаҳкамланиб, мусобақа кучайиб кетди. Саидумар Тошевнинг ҳамкасблари ҳозир далада жавлан уришмоқда. Хўжаликдаги мавжуд 21 тракторнинг ҳаммаси ғўзани парвариш қилиш, ариқ олиш, озиқлантириш билан банд.

Шу кунларда янада кўпроқ меҳнат қилиш талаб этилади. Тракторчиларимиз билан бирга колхозчиларимиз ҳам барча қийинчиликларни енгган ҳолда ишламоқдалар. Ғўза парваришида қатнашаётган 650 дан ортиқ кишининг қарийб барчаси кундалик нормани ошириб адо этишмоқда. Ғўза тупларининг таги юмшатилмоқда. Кўчагларнинг атрофи қанчалик юмшоқ бўлса, ғўзалар шунча бегубор ўсиб, тез ҳосил нишоналарини кўрсатади.

Бу йилги оби-ҳавонинг паст келиши ҳақиқатдан ҳам деҳончилик ишларини бирмунча кечиктирди. Бу ҳаммага маълум. Лекин, ҳа деб бу ҳақда гап юритаберишдан фойда чиқмайди. Бу умумий ишимизни яхшиламайди, аксинча, бўшашувчиликка йўл қўяди. Қийинчиликни енгиб, мўл ҳосил етиштирган деҳқон ҳақиқий деҳқондир. Ҳар бир пахтакор бу йил ўзини ишда кўрсатиши керак.

Ахир биз, йил бошида пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва ҳар гектар ердан 32 центнердан «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олган эдик. Буни бир кун ҳам эсимиздан чиқармаймиз. Шунга яраша меҳнат қиламиз. Ҳар қандай шароитда ҳам ваъдамизнинг устидан чиқамиз. Ҳозирги барча ишлар ана шунга бўйсундирилган.

Биз оби-ҳаво инжиқликларига қарамай, экишни қисқа вақтда юқори агротехника талаблари даражасида ўтказдик. Ҳамма майдонларда кўчатлар текис ундириб олинди. Шундан кейин янада ғайрат кўрсатиб ишлаб, ғўзанинг дастлабки парваришини муваффақиятли тамомладик. Ипак қурти боқишга зарар етказилмаган ҳолда ғўза яганаси ҳам ўз вақтида тамомланди.

Ўтган йили вилтга чидамли 1-«Тошкент» навли чигит экдик. Ёмон бўлмади. Ҳар гектарда ўртача 62 минг туп кўчат бор эди. Шунга қарамай, ғўзалар вилт касали билан зарарланмади. Оқибатда баракали ҳосил кўтарилди. Пландаги 22 ўрнига 29,5 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга 2600 тонна пахта сотдик. Бу эса, колхозчилар даромадининг кескин кўпайишига сабаб бўлди. Пландан ташқари сотилган «оқ олтин» эвазига 400 минг сўм фойда олдик. Колхозчиларнинг реал иш ҳақлари кўпайди. 1970 йилга нисбатан ҳар бир сўмга икки сўм 13 тийиндан қўшимча ҳақ олдилар.

Ўтган йили мўл ҳосил етиштиришда анчагина тажриба тўпладик. Бу йил янада яхшироқ ишлаймиз. Ҳамма майдонларга вилтга чидамли чигит экдик. Ҳозирги кўчатларимизнинг ривожи яхши, бақувват ўсмоқда. Йил охиригача ҳар гектар ерда камида 70 минг туп кўчат сақлаб қолишга ҳаракат қиляпмиз. Илғор прогрессив иш методларини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, бу йил 210 гектар ерга кенг қаторлаб уруғ қададик. Бу эса, техникадан фойдаланишда ва ҳосилдорликни оширишда муҳим роль ўйнайди. Кенг қаторларда ишлайдиган учта машина ҳам сотиб олдик. Ҳосилнинг ҳаммасини техника ёрдамида йиғиштириб оламиз.

ССРнинг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақада актив қатнашаётган колхозчиларимиз 15 майда ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов беришни тамомладилар. Биринчи июнга қадар барча майдонларга иккинчи марта ишлов бериб, ғўзанинг тўла шонага киришига эришдик. Яқин кунлар ичида бегона ўтлардан барча ғўзалар тозаланади. Ғўзани озиқлантиришга ҳам катта эътибор берганмиз. 15 июнга қадар фосфор, азот ва маҳаллий ўғитлар йиллик нормасининг ҳаммасини ниҳолларга бериб бўламиз. Ривожланишдан орқада қолаётган кўчатларга қўшимча ўғит соламиз.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Янгийўл районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ШРИ ЛАНКА — МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКА

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ҳурматли редакция!

Матбуотда Цейлонни озод ва суверен Шри Ланка Республикаси деб эълон қилинғани ҳақида ҳабарлар босилди. Янги республика тўғрисида газета орқали батафсил маълумот беришингизни сўрайман.

Н. САИДХОНОВ,
Оржоникидзе райони, Улуғбек посёлкаси.

Бундан буён дунё сиёсий ҳариталари тузилаётган пайтда Ҳинд океанидаги оролдан иборат Цейлон давлати ўрнига «Шри Ланка Республикаси» деб ёзиб қўйилади. Шу йилнинг 22 майида Цейлонни Шри Ланка республикаси деб эълон қилинди. Эндиликда бу кун — Республика куни, миллий байрам сифатида нишонланади.

Шри Ланка «ғўзал ўлка» деган маънони англатади. Чиндан ҳам бу орол бой ва гўзал. Бу мамлакатнинг ширинликлари, фил суяги, қимматбаҳо тошлари, марвариди, чойи, каучуги ва бошқа бойликлари қадимдан ажнабийларнинг кўзини ўйнатиб келган. У узоқ вақт инглиз мустамлакачилари қарамлигида бўлди. Англия оролнинг ҳамма ноз-неъматлари, бойликларини ўзиники қилиб олган эди.

Цейлон халқи ўз мустақиллиги учун тинмай курашди. Бу кураш 1948 йилнинг 4 февралида ғалаба билан тугади. Орол расман мустақилликка эришган бўлса ҳам инглизлар бу мамлакатда ўз мавқеларини сақлаб қолдилар. Инглизлар зўри билан қабул қилинган конституцияга биноан, Цейлон Англия доминиони, Буюк Британия қироличаси унинг бошлиғи ҳисобланиб келди.

Цейлоннинг Шри Ланка Республикаси деб эълон қилиниши билан оролда мустамлакачилик қолдиқларига абадий барҳам берилди. Янги республиканинг янги конституцияси қабул қилинди. Бош министр Сиримаво Бандаранаике халққа мурожаат қилиб: «Эндиликда биз Цейлонда мустамлакачиларнинг ҳукмронлигига чек қўйилди, деб ифтихор билан айта оламиз», деди.

Мамлакатда тўла мустақилликка эришмоқ учун жуда катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Цейлон озодлик партияси, социалистик ва коммунистик партиялардан ташкил топган Бирлик фронти бундан икки йил аввал парламентга ўтказилган сайловларда улкан ғалабага эришди. Шундан сўнг конституцион ислоҳ ўтказиш имконияти туғилди. Бирлик фронтининг Сиримаво Бандаранаике бошлиқ ҳукумати тузилгач, 11 комитет янги конституцияни ишлаб чиқишга киришди. Эндиликда бу конституция қабул этилди ва парламент миллий давлат ассамблеясига айлантирилди.

Янги конституциянинг тасдиқланиши ва Шри Ланка Республикасининг эълон қилиниши мамлакатдаги барча демократик ва ватанпарварлик кучларининг катта ғалабасидир. «Эски конституция Цейлонни расман мустақил давлат сифатида эълон қилган бўлсада, амалда мамлакатимизнинг иқтисодий ва социал тараққиётига тўсқинлик қилиб келди, — деб ёзди «Форвард» ҳафталиги. — Янги Конституция... ҳақиқий мустақиллик ва социализм йўлидаги муҳим босқичдир».

13 миллионли Шри Ланка халқи янги ҳаёт қура бошлади. Аммо мамлакат ҳали кўп тўсиқлар олдида турибди. Бундай тўсиқлар мустамлакачилик давридан мерос бўлиб қолган. Миллий экономика яхши ривожланмаган. Мамлакат молиявий қийинчиликни бошидан кечирмоқда. Илгари оролда фақат хом ашё товарлари — чой, каучук ва бошқаларни етиштиришга зўр бериб келинди. Помешчик ва буржуазия манфаатларини кўзлаган илгариги ҳукумат Бирлашган Миллий партия кабинети экономика соҳасидаги камчиликларни хориждан олинган заём ва кредитлар ҳисобига қопламоқчи бўлиб, ҳаммаёқни қарзга ботириб юборган эди.

Бирлик фронти ҳукуматига кирган коммунистлар мамлакатда социал-иқтисодий ислоҳатлар ўтказиш, капитал позицияларига қарши ҳужум қилиш йўлини тутмоқдалар. Барча демократик кучлар бу соҳада уларни қўллаб-қувватламоқдалар.

Янги ҳукумат экономикада давлат секторини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, индустриаштириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш чораларини кўрмоқда. Ўтган йили 13 та давлат корпорацияси ташкил этилди. Бу йил эса чой корпорацияси тузилди. У Цейлон чойи савдосини ўз қўлига олди. Ҳозирги вақтда мамлакатда хўжаликнинг асосий тармоқлари устидан назорат ўрнатган 40 та давлат корпорацияси ишлаб турибди.

18 майда аграр ислоҳот тўғрисидаги қонун лойиҳаси парламентга тақдим этилди. Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ана шу қонун лойиҳасида ер мулкининг ҳажмини 50 акргача (20 гектар) чеклаб қўйиш ва ортиқча ерларни сотиб олиб, ерсиз деҳқонларга тақсимлаб бериш, бир қисмида эса қишлоқ хўжалик кооперативлари ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳукумат яқин келажакда 100 та кооператив тузиш, уларга тракторлар, жиҳозлар, ўғитлар етказиб беришни режалямоқда. Бунинг учун 15 миллион рупий ажратилади.

Шри Ланка Республикаси халқи янгича ҳаёт йўлида эндигина илк қадамларини қўймоқда. Бу йўл озод, тинч мустақил, аммо сермашаққат, кўп меҳнат ва фидокорлик талаб этадиган йўлдир. Шунинг учун дунёдаги барча пок ниятли кишилар янги республикага оқ йўл тиламоқдалар.

*

Шу йил 22 майда Цейлон мустақил Шри Ланка республикаси деб эълон қилинди. «Шри Ланка» — «Ажойиб ўлка» деган маънони билдиради. Ажойиб ва яшил чакалакзорлар ўлкаси, меҳнаткаш халқ макони, чой, каучук дарахтлари, пальмалар макони бўлган бу ўлканинг номи бутун дунёга маълум. Суратда: Коломбо кўчасида.

М. Озеров фотоси. ТАСС фотохроникаси.

*

ЎРИМГА ШАЙ

Областимизда Оҳангарон райони ғалла етиштиришда салмоқли ўринни эгаллайди. Мана, ғаллакорларнинг қир ва адирлардан «олтин бошоқ»ларни йиғиштириб олишларига ҳам саноқли кунлар қолди.

Поёнсиз кенг далаларда бу йил ҳосил бўлиқ. Район ғаллакорларининг бирдан-бир мақсади ҳосилни нес-нобуд қилмасдан барвақт йиғиб олишдан иборат. Шунинг учун район хўжаликларида ҳозир ҳосилни йиғиб олишга тайёргарлик ишлари қизғин. Ҳосилни тез ва соз йиғиб олиш учун зарур тадбирлар кўрилмоқда. Мавжуд ғалла ўриш комбайнлари, прицеплар, сомонни пресслаш, юклаш машиналари ўрим-йиғимга тахт қилиб қўйилган. Бу ишда айниқса 2-«Оҳангарон», 4-«Оҳангарон», «Ғаллақудуқ» совхозлари пешқадамлик қилмоқдалар.

Райондаги илғор хўжаликлардан бири «Ғаллақудуқ» совхозида бўлган киши далалардаги бўлиқ ҳосилни кўриб кўзи қувонади. Совхоз ташкил топган дастлабки йилларда атиги 525 тонна ғалла олинган эди. Саккизинчи беш йилликнинг охирига келиб эса 2800 тонна ҳосил йиғиб олинди. Ғалла маҳсулотини бундай ўсиши асосан йилов ерларни ўзлаштириш ҳисобига бўлди. Ҳademай совхоз далаларида комбайнлар гуриллайди. «Олтин бошоқ»лар давлат хирмонига тўкила бошлайди.

Ишчилар ҳосилнинг 15—18 иш кунида йиғиб олишни мақсад қилиб қўйдилар. Совхоз коллективи бу йил пландаги 1800 тонна ўрнига 3000 тоннага яқин ғалла топшириш мажбуриятини олган. Бунинг учун ҳозир барча имкониятлар мавжуд.

Ҳозир совхозда 12 та комбайн ремонтдан чиқарилиб ўримга шай қилиб қўйилган. Э. Сангилов, М. Эргембоев, З. Нигматулин, С. Кенжабоев каби илғор комбайнчилар бу йилги мавсумда 200—250 гектар майдондаги ғаллани йиғиштириб олиш мажбуриятини олишган.

Совхозда ишчиларнинг унумли ишлаши учун ҳар томонлама қулайликлар яратиб берилган. Совхоз посёлкаси замонавий типда қурилган бўлиб, кундан-кунга яшнамоқда.

Июнь ойининг ўрталарида комбайнлар далаларда суза бошлайди. Ҳосил ортилган дастлабки машиналар давлат хирмонига йўл олади.

Х. ОЛЛАНАЗАРОВ,
И. ИСМОИЛОВ.

БУКА. Фрунзе номли колхозда жуда кўп тинмб-тинчимас механизаторлар бор. Улар доимо пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилишаяпти. Шулардан бири Назар Юнусовдир. У ҳам доимо топшириқни бир яриш баравардан бажариб келаётганлиги сабабли колхозчилар ҳурмат қилишади. Суратда: Н. Юнусов.

Н. Тўраев фотоси.

ҲИНДИ-ХИТОЙДАГИ ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР

ХАНОЙ, 12 июнь. (ТАСС). ВДР ташқи ишлар министрлиги кеча эълон қилган баёнотда айтиладики, Америка авиацияси 9 ва 10 июнь кунлари Хайфон атрофидаги ва шимолий Вьетнамнинг бир қанча вилоятларидаги аҳоли яшайдиган районларни ёпирилиб бомбардимон қилди.

Жанубий-Шарқий Осиёдаги энг катта Хонгай тошкўмир ҳавзасига осмондан бомбалар ёғдирилди. «В—52» оғир бомбардимончи самолётлар Куангбинь вилоятига ва Виньлинь зонасига ҳужум қилди. Кўпгина бинолар вайрон бўлди, тинч аҳолидан бир неча киши ўлди.

ВДР Ташқи ишлар министрлиги бомбардимон қилишни ва республикага қарши бошқа ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни АҚШ дан талаб қилди.

Вьетнам информация агентлигининг хабарига қараганда, 11 июнь куни Вьетнам халқ армиясининг осмон ҳужумидан мудофаа қисмлари шимолий Вьетнамда Американинг учта самолётини уриб туширдилар. Бир неча учувчи асир қилиб олинди. 4,6 июнь кунлари ВДР зенитчилари АҚШнинг тўртта самолётини ликсон қилдилар.

НЬЮ-ЙОРК, 12 июнь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари Сайгон атрофида қўғирчоқ режим қўшинларининг позицияларига атака қилмоқдалар. Анлокдан жанубда. 13-стратегик тош йўлда шиддатли жанглар давом этмоқда. Икки ойдан кўпроқ вақтдан бери қуршов ичида турган бу шаҳарга ўтиб олиш учун Сайгон қўшинларининг катта кучлари зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Лекин қўғирчоқ режим қўшинларининг бу уринишлари аввалгидек маглубиятга учрамоқда.

Америка информация агентликлари марказий ясси тоғликда шиддатли жанглар бўлаётганлигини хабар қилмоқда. Озодлик кучлари Контум шимолида душман базаларига зарба бермоқдалар.

Жанубий Вьетнамнинг шимолий секторида халқ озодлик қуролли кучларининг бўлинмалари Жанубий Вьетнамда катталиги жиҳатидан иккинчи шаҳар бўлган Данангдан 40 километр наридаги Кюэшон водисида қўғирчоқ режим қўшинларининг истеҳкомларига ҳужум қилдилар.

Американинг «В-52» стратегик бомбардимончи самолётлари бугун кечаси Жанубий Вьетнамнинг Хюэ, Контум, Анлок шаҳарлари атрофидаги ва соҳилдаги Биньдинь вилоятидаги озод қилинган районларга 13 марта ҳужум қилди.

ХАНОЙ, 12 июнь. (ТАСС). Озодлик матбуот агентлигининг хабарига қараганда, Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 9 июнь куни Хюэдан шимолроқдаги Митянь дарёси бўйида Сайгоннинг денгиз пиёда қўшинлари ҳужумини даф қилиб, қўғирчоқ армиянинг 147-бригадасига қарашли иккита ротани сафдан чиқардилар. Душманнинг Куангчи вилоятидаги озод қилинган районларга ўтиб олиш учун қилган уринишига йўл берилмади.

7 ва 8 июнда озодлик кучлари тўпалардан қаттиқ ўқ ёғдириб, Сайгоннинг 9-дивизиясига қарашли 32-полкка атака қилдилар. Бу полк Анлок шаҳрининг қамал ичида қолган гарнизонига мадад бериш учун юборилган эди. Душман бир неча километр жанубга улоқтириб ташланди. Душманнинг 100 дан ортиқ солдати қириб ташланди ва жароҳатлантирилди. Шу операция давомида ватанпарварлар душманнинг тўртта гаубицасини сафдан чиқардилар, бешта вертолётини уриб туширдилар.

СОВЕТ ВИСТАВКАСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ГААГА, 12 июнь. (ТАСС). Нидерландияда совет савдо-саноат выставкаси ўз ишини тамомлади. Амстердамдаги выставка павильонига жойлашган совет экспозициясини 18 кун давомида Голландия пойтахтининг ва мамлакатдаги бошқа шаҳарларнинг 30 мингдан ортиқ аҳолиси, кўпдан кўп чет эл туристлари томоша қилди.

Голландия ва ғарбий Европадаги бошқа мамлакатларнинг савдо-саноат доиралари совет молларига — станок ускуналари, машиналари, тракторлари, турли хил аппаратларига катта қизиқиш билан қарадилар.

Амстердамдаги совет выставкаси минглаб голландияликларга Совет Иттифоқининг экономика, фан, техника соҳасида эришган катта муваффақиятлари тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилишларига имкон берди.

ТЎЛА МУСТАҚИЛЛИК УЧУН

СИНГАПУР, 12 июнь. Бугун Филиппин мустақиллик куни нишонланди. Шу муносабат билан президент Ф. Маркоснинг халққа чиқарган мурожаатномасида бундай дейилади: «Биз чет эл таъсири ва контролидан батамом халос бўлганлигимизни эълон қилмас эканмиз, бизнинг мустақиллигимиз пуч нарса бўлиб қолаверади».

Манила радиосининг хабарига кўра, мурожаатномада Филиппиннинг Қўшма Штатлар билан ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий соҳаларда тузилган ҳамма шартномаларини батамом ва тез қайта кўриб чиқиш керак, деб талаб қилинган.

АҚШ билан тузилган шартномаларни қайта кўриб чиқиш «мустақиллигимизга реал маъно бахш этиш учун биринчи зарур қадам» бўлади, деб таъкидлади Ф. Маркос.

ЯЙЛОВ БАҒРИДА

Паркент яйловлари қўй-қўзилар билан тўла. Ям-яшил адрлар узра тўшалган лолақизғалдоқлар поёндози табиатга ажиб гўзаллик бахш этиб турибди. Қир тепасида юзлари баҳор қуёшида қорайган, чайир қўлларида чўпон таёғини тутган йигит атрофга суқланиб боқади. Табиатнинг сўлим ҳусни, меҳнат нашидаси дилини қувончга чулғайди.

«Гулистон» колхозининг минг-минглаб қўй-қўзилари, чорва моллари шу яйловларда боқилади. Чўпонлар қишин-ёзин моллариннг семиз ва соғлом бўлиши учун ғайрат билан тер тўкади. Бу йилги қишловни намунали ўтказган чўпонлар қўзилатиш кампаниясини ҳам муваффақиятли тугалладилар: Қўзиларининг соғлом, дуркун бўлиб ўсиши учун олдиндан ҳозирлик кўриб қўйилди. Адрларда янги кўралар, палаткалар қурилди. Ҳар бир чўпон ўз ишини чуқур масъулият ҳисси билан бажарди.

— Бу йилги қўзилатиш анча қийин кечди, дея ҳикоя қилади ҳамроҳимиз колхоз раиси Эгамберди ака Холматов. Қўзилатиш айни қизғин туе олган кунлари ҳаво тўсатдан совуб, қор ёғди. Ёмғир аралаш тушган қор янги туғилган қўзиларни нобуд қилиши мумкин эди. Бу пайтда шошилинч тадбир белгиланди. Адрларга қўшимча куч юборилди. Янги палаткалар қурилди, махсус машиналарда ем-хашак етказиб берилди. Натижада, қўзилатиш кампанияси муваффақиятли ўтказилди.

Тепада чарақлаб турган баҳор қуёши яйловга ҳаётбахш нур таратади. Қир бағрида яйраб ўтлаётган қўй қўзиларга завқ билан боқамиз.

— Жалол Нормatовнинг отарига ҳам етиб келдик, — дейди раис. — У колхозимизнинг тажрибали, пешқадам чўпонларидан. Ҳар йили план ва топшириқларни ошириб бажариб келади, шунинг учун ҳам унинг номи колхозчилар ўртасида ҳурмат билан тилга олинади.

Жалолни яйлов баҳодири дейишади. Ҳақиқатан ҳам у ёшлигидан отарда, чўпонлар ўтовида ўсди. Бу касбга меҳр қўйди. кейинчалик шу ерда чўпон бўлиб қолди.

— Мен шу поёнсиз кенглик, яйлов, адрларсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман, дейди Жалол. Қўй-қўзиларни боқиш қандай завқли эканлигини табиатга ишқ тушган одамгина билади. Қуёшни тонгда адрлар тепасида қаршилайман. Табиатнинг бугунги ҳусни кечагига ўхшамайди. Бу киши қалбида меҳнатга, ҳаётга бўлган муҳаббатни янада оширади.

Жалол Норматов отарида 612 бош қўй бор. Шундан 300 боши совлиқ. Бу йил ҳар юз бош совлиқдан 120 бошдан ошириб қўзи олди. Қўзилатиш даврининг оғир келишига қарамасдан, зиммасидаги вазифани ошириб бажарди. Унинг меҳнати ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилди.

Яйлов бағрида Жалолга ўхшаш бир сўзли, тадбирли чўпонлар кўп. Булар Тожиддин Жамолов, Маъмир Пирматов, Сидиқбой Суттибоев, Маъмир Исломовлардир. Улар қўлда чўпонлик таёғини маҳкам тутиб, қўйчиликни ривожлантиришга, элимиз дастурхонининг тўкин-сочинлигига муносиб ҳисса қўшишяпти.

Колхоз чорваси Паркентнинг Отчопган, Самсарак, Шахшахона яйловларида боқилади. Бу яйловлар Чотқол тоғларига туташиб кетган. Тўққиз отарда 495 бош қўй боқилмоқда. Бу йил пландаги 2130 совлиқдан 2049 бош ўрнига 2100 бошга яқин қўзи олинди.

Колхозда қўйчилик билан бир қаторда қорамолчилик ҳам ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Моллар янгича қурилган биноларда боқилмоқда. Ҳозирги кунда 960 бош қорамолдан 280 боши соғин сигирлардир. Сигирлардан сут олиш тобора кўпайиб бормоқда.

Йил бошида соғувчилар ҳар бош сигирдан 1600 килограмм ўрнига, 2000 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган эдилар. Ҳар бир соғувчи ўз зиммасига оширилган мажбурият олиб, 350 тонна ўрнига 470 тоннадан ортиқ серқаймоқ сут топшириш йўлида ҳормай ишлаяпти.

Ўтган квартал плани ҳам анча ошириб бажарилди. 50 тонна ўрнига 100 тонна сут сотилди. Сутнинг ёғлилик даражаси 3,9 процентни ташкил этди. Инобат Пирматова, Ҳамида Сонпова, Назира Солиеваларнинг самарали меҳнати туфайли шундай муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Паркентга киравериш да катта йўл ёқасининг икки тарафидаги боғ ва узумзорлар шу колхозга қарашли. Соҳибкорлар бу ерда кунни тунга улаб меҳнат қилишмоқда. Бу боғларда етиштирилаётган Паркати, Нимранг, кишмиши довруғини ким эшитмаган дейсиз.

Колхоз соҳибкорлари 210 гектар узумзордан 1054 тонна ўрнига 1350 тонна маҳсулот топширишга аҳд қилганлар. Шунингдек, 250 тонна мева олинади.

Чорвачилик билан бир қаторда боғдорчилик, сабзавотчилик соҳасида ҳам юксак марраларни кўзлаб иш тутаётган колхозчилар шу кунларда янада ғайрат билан меҳнат қилишмоқда. Улар Совет давлати ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш, меҳнаткашлар дастурхонини мўл ноз-неъматлар билан таъминлаш йўлида бор имкониятларни сафарбар этмоқдалар.

Н. ТЎРАЕВ,
Юқори Чирчиқ райони.

Суратда: Тошкент Тўқимачилик комбинати маданият саройидаги халқ рақс ансамбли аъзоси Маҳмуда Орипова миллий рақс ижро этмоқда. Р. Шамсутдинов фотоси.

ХУШХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

УКРАИНА—ЎЗБЕКИСТОН

Ангрендаги ўлкашунослик музейига Украинанинг Кривой-Рог шаҳридан бир мактуб келди. Украиналик ҳамкасблар ангренлик ўлкашуносларни ўзаро материаллар алмашиб туришга таклиф қилишибди. Бу таклиф Ангрен ўлкашуносларига маъқул тушди. Улар тезда шаҳар қиёфасини акс эттирувчи фотографиялар, республика ҳаётига оид турли хил справкаларни тўплаб, Кривой-Рогга жўнатишди.

Ангрен ўлкашунослик музейининг коллективи СССРнинг 50 йиллиги олдидан ўзбек халқи муваффақиятларини кенг пропаганда қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти. Бу ерда ташкил этилаётган стендлар Совет ҳокимияти давридаги ўзгаришларни ўзида ифодаламоқда. Бундан ташқари қардош республикалар ҳаётига бағишлаб ҳам стендлар яратилмоқда.

Яқинда музей коллективи СССРнинг шоҳли юбилейига бағишлаб ўқилиши лозим бўлган лекция ва суҳбатларнинг планини ишлаб чиқди.

ХАЛҚАРО ЯРМАРКАГА

Янгийўл кондитер-ачитқи бирлашмаси коллективи қўлидан чиқаётган маҳсулотлар бу йил Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида ўтказиладиган халқаро ярмаркада намойиш қилинади. Ҳозир ярмаркага жўнатиладиган янги йил маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси мукаммал ўзлаштирилмоқда.

Шу йилнинг ўтган ойларида корхона цехларида тайёрланаётган маҳсулотлар 15 хилга кўпаяди. Яқинда бирлашманинг бисквит цехида печенье ишлаб чиқарадиган янги технологик линия ишга туширилди. Бунинг натижасида яна беш хил печенье тайёрлаш имкони туғилди.

Янги хил маҳсулотлар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишда корхона новаторларининг ўзлари айниқса кўп ҳисса қўшмоқдалар. Янгилик ижодкорлари сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

КИТОБХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхоз клуби ўтказилаётган турли хил оммавий сиёсий ишлар ўчоғига айланиб қолган. Клуб бағри айниқса кечқурунлари колхозчилар ва зиёлилар билан гавжум бўлади. Яқинда улар СССР халқларининг дўстлигига бағишлаб ўтказилган конференцияга тўпландилар.

Конференция 40-мактаб кутубхоначиси М. Турғунованинг «В. И. Ленин СССРнинг асосчиси» деган темада қилган доклади билан бошланди. Шундан сўнг, район марказий кутубхонасининг ходимлари Р. Воҳидова, Р. Герасимова, штатсиз лектор Ш. Абдуллаев ва бошқа ўртоқлар ўрта Осиё халқларининг ягона оилага бирлашуви ижтимоий-сиёсий тараққиётда алоҳида босқич эканлигини, тўққизинчи бешйиллик топшириқларини бажаришда қардош халқлар ҳиссаси нақадар катталигини таъкидлаб гапирдилар.

ОБОД ҚИШЛОҚ

Қишлоқлар жамолига боқиб тўймайсан киши. Яқин-яқинларгача Бўка районининг «Партия XX съезди» ва «Коммунизм» колхозларининг кўпгина участкалари кўримсиз ҳолда эди. Бугунги кунда уларнинг қиёфаси мутлақо ўзгариб кетган. Яқинда «Партия XX съезди» колхозининг Қорақудуқ участкасига 6 километрлик водопровод қувури ётқизилди. Йил бошида эса Қўчқоровул қишлоғига водопровод суви кириб борган эди.

«Коммунизм» колхозида йўлларни текислаш ва янгиларини қуриш ишлари жадал давом этмоқда. Болалар боғчаси, сутчилик фермаси ва бошқа гавжум жойларга олиб борувчи йўллар ҳозир тўкис қилиб асфальтланган. Яқин келгусида Саидмурод, Қорамозор ва Янгиқўрғон қишлоқларига олиб борувчи йўлларга асфальт ётқизилади. Бундай тадбирлар хўжаликлар олаётган мўл даромаднинг бир қисми ҳисобига бажарилмоқда.

● СПОРТ

БЕЛЬГИЯГА, ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИГА

12 июнда СССР терма командасининг футболчилари Бельгияга учиб кетдилар. Бугун бу ерда Европа чемпионатининг финал ўйинлари бошланади.

Мамлакат терма командаси составига қуйидаги ўйинчилар киритилди: дарвозабонлар-Евгений Рудаков («Динамо», Киев) ва Владимир Пильгуй («Динамо», Москва), ҳимоячилар — Ревваз Дзодзуашвили ва Муртаз Хурцилава («Динамо», Тбилиси), Владимир Капличний ва Юрий Истомин (Армия Марказий спорт клуби), Николай Абрамов («Спартак»), Виктор Матвиенко («Динамо», Киев). Ярим ҳимоячилар—Виктор Колотов, Владимир Мунтян, Владимир Трошкин (ҳаммаси «Динамо», Киев командасидан), Олег Долматов, («Динамо», Москва) ва Анатолий Коньков («Шахтёр»), ҳужумчилар—Анатолий Байдачний, Геннадий Еврюжихин («Динамо», Москва), Анатолий Банишевский («Нефтчи»), Владимир Онищенко («Заря»), Гиви Нодия («Динамо», Тбилиси) ва Эдуард Козинкевич («Карпати»).

Команданинг катта тренери — Александр Пономарев, команда тренери — Николай Гуляев.

(ТАСС).

СОВЕТ БОКСЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Бухарест шаҳрида ёшлар ўртасида бокс бўйича Европа чемпионати тугади. 19 мамлакат командаси қатнашган бу турнирда совет спортчилари ажойиб ғалабага эришдилар. Олти спортчимиз қитъа чемпиони олтин медаллари билан тақдирланди. Булар В. Соломин, В. Львов, А. Зоров, В. Лемишев, В. Миронюк, М. Субботиналардир. Ватандошларимиз яна бир кумуш ва икки бронза медалини ҳам қўлга киритдилар. Норасмий команда биринчилигида СССРнинг ёш боксчилари ғолиб чиқдилар. Иккинчи ўринни Румыния спортчилари (4 та олтин ва 1 кумуш медаль) олдилар.

Тошкент туристлар клубидаги сув туризми секциясига Ю. Ширяев раҳбарлик қилиб келмоқда.

Бу йил баҳорда сув туристлари Чорвоқдан Чордарагача бўлган 200 километр масофани босиб ўтишди.

Суратларда: (ўнгда) асов Чирчиқ бўйлаб, (чапда) Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг студенти Надя Лучкина. В. ЛЕЙЗЕРОВИЧ фотолари. (ЎзТАГ).

ШАХМАТ ОЛАМИДА

РЕЙКЬЯВИК, 2 ИЮЛЬ...

Бизга ўхшаган ўрта ёшдаги мухлислар кейинги чорак аср мобайнида ўтказилган энг юқори даражадаги шахмат баҳсларини тафсилоти билан яхшигина таништирлар. 1948 йилги беш кишилик матч-турнир 1951 йилги Ботвинник-Бронштейн. 1954, 1957 йиллардаги Ботвинник-Смислов, 1958 йилги Смислов-Ботвинник, 1960 йилги Ботвинник-Таль, 1961 йилги Таль-Ботвинник, 1963 йилги Ботвинник-Петросян, 1966, 1969 йиллардаги Петросян-Спасский матчларидан айримларини ўз кўзи билан кўришга муяссар бўлганлар қаторида камина ҳам борлигимдан беҳад хурсандман. Буларни бирма-бир санаб ўтишдан мақсад шуки, 24 йил орасида шахмат «тожи» масаласи жаҳонда пешқадам совет шахмат мактаби илғор вакилларининг ўзаро ижодий баҳсида ҳал этилганлигини, шу давр орасида бошқа хорижий мамлакатларда уларга тенг келаоладиган гроссмейстерлар етишиб чиқмаганлигини яна бир карра таъкидлашдир.

Мана навбатдаги улкан жангга ҳам озгина қолди. Яна икки ҳафтадан сўнг бутун шахмат олами орзиқиб кутган кун ҳам етиб келади: жаҳон чемпиони москвалик Борис Спасский америкалик ёш гроссмейстер Роберт Фишер билан яккама-якка куч синашиш бошлайди. Бу икки улкан шахмат паҳлавонининг ижодий йўллари, ўйнаш усуллари, бир-бирига нисбатан муносабатлари, инсоний фазилатлари-ю камчиликлари орасида мухлислар билмайдиган икир-чикирлар кам қолди, десак хато бўлмайди. Негаки, кейинги 10—15 йил мобайнида бу ҳақда матбуотда шунчалик кўп маълумотлар эълон қилиндики, асти қўявераверасиз. Шу билан бирга матч бошланмасдан анча олдиноқ расмий ва норасмий баёнотлар пайдо бўлаверганки, шахмат аҳлининг жонига ҳам тегиб кетди. Бунинг асосий сабабчиси америкалик гроссмейстер эканлигидадир. Биз қуйида унинг бу хатти-ҳаракатларини хаспўшлашга асло уринмаган ҳолда айрим мухлислар эътиборидан четда қолаётган баъзи нарсаларни эслатиб ўтмоқчимиз.

Барча қийинчиликларга бардош бериб, кўп нарсадан кечиб вужудини шахматга тиккан ўз қобилиятини, шуҳрат топиш даражасига кўтара олган бу америкалик йигитнинг ҳайбаракаллачилардан бўлак бирон бир дурустроқ дўсти борми ўзи? Қўшма Штатлар шаънини кўзлаб унинг айтганини бажо келтираётган жаноб Эдмондсондек киши ҳам Роберт Фишернинг дилидан мустаҳкам ўрин ололмади-я. Ватанидаги қайси бир мутасадди, қайси бир шахмат саркорига ишонч боғласин у? Тўғри, ҳар бир соҳанинг талантли вакили сифатида унинг ейиш-ичишдан, саёҳат қилишу, пул топишдан камчилиги йўқ. Аммо ҳалигача чиқаётган ҳузур-ҳаловат, меҳр-муҳаббат нималигини билмайди. Муваффақиятларини дабдаба қиладилар-у, лекин унинг инсоний қайғуларига шерик бўладиганлар йўқ даражада. Мана шунга ўхшаган нарсалар улкан шахматчини мувозанатдан чиқиб туришга, баъзан орттирқа инжиқликлар қилишга олиб келмоқда.

Спасский-Фишер матчи Исландия пойтахти Рейкьявик шаҳрида ўтказилиши узил-кесил ҳал қилинди. Матбуотда эълон қилинган маълумотларга кўра ўйин беш минг томошабин сиғадиган «Лаугардальшоль» деган кўргазма залида бўлади. Саҳна майдони 100 квадрат метрга яқин. Жанг бўладиган шахмат столи овоз ўтказмайдиган шиша девор билан ўралади. Саҳнада бир хил ҳарорат сақланади. Зални ёритиш масаласига айниқса катта эътибор берилмоқда. Томошабинлар ўтирадиган биринчи қатор ўйиновчилардан камида 15 метр нарида бўлади. Журналистлар ихтиёрида 100 та телефон ўрнатилган матбуот маркази бўлиб, истаган пайтда ер курраснинг истаган жойи билан гаплаша оладилар.

Энди ўйин учун тўланадиган ҳақ масаласига келганда шуни айтиш керакки, бу борада сувни лойқаётганлар ҳам бирнечи галда мутасаддиларнинг ўзидир. Улар «ким ошди»га йўл очиб қўйиб, баъзан гирромлик ҳам қилаптилар. Ўйиндан тушадиган маблағнинг кўп қисмини ўзларига олиб қолмоқчи бўладилар. Капиталистик дунёнинг бошқа вакиллари каби Фишер ҳам имконият борлигида кейинги ҳаётнинг ҳам таъминлаб қўймоқчи шекилли, унақа-бунақага кўнмади.

Фишернинг жаҳон биринчилигида қатнашишидан аввало совет шахматчилари манфаатдордирлар. Чунки чемпионимиз шахмат олами тан олган тож даъвогари билан куч синашгандагина ўз вазифасини шараф билан адо этади. Совет гроссмейстерлари доимо ҳалол курош жараёнида юксак чўққиларни забт этишга одатланганлар. Аммо, мана шу хусусда Фишернинг айрим фикрлари ноўрин эканлиги ҳаммага аён, ҳеч вақт совет шахматчилари, у ўйлаганидек, Фишер йўлига сунъий тўсиқлар қўйишган эмас, аксинча, унинг маҳоратига тан бериб келмоқдалар. Буни ўзи ҳам билади-ю, аммо айрим корчалонлар унинг қўлтиғига сув пуркасалар, «рост гапяпти», деган ҳаёлга ҳам борибқўрди у...

Яқинда «Комсомольская правда» газетасининг мухбири Спасский-Фишер матчининг бош арбитри халқаро гроссмейстер, йирик новшир Лотар Шмид (ГФР) билан телефон орқали қисқа суҳбатлашди. Мухлисларга маълумки, ўтган йили Буэнос-Айресда ўйналган Петросян-Фишер матчида ҳам Шмид бош арбитрлик қилган, мусобақани ўзига хос вазминлик билан якунлаган эди.

Мухбирнинг дастлабки саволигаёқ Шмид матчгача ҳам, ҳатто матчдан кейин ҳам бирон-бир аниқроқ нарса дея олмаслигини, бу нарса матч ҳақидаги шартномада кўрсатиб қўйилганини айтди. Бу Фишернинг илтимоси бўлиб, унга Спасский ҳам қўшилган экан.

Матч бошлангунга қадар, яъни 2 июлгача яна чалкаш гаплар чиқиб қолмасмикин?

— Чиқмаса керак. Шахсан мен матч белгиланган муддатда бошланишига аминман.

— Матч қандай ёритилади?

— Дастлабки маълумотларга кўра Рейкьявикка жуда кўп мухбирлар — жаҳон матбуоти, радио ва телевидениеси вакиллари келиши кутилмоқда. Ўйинларни Европовидение ҳамда Америка алоқа йўлдоши орқали тўғридан тўғри олиб кўрсатиш учун музокаралар олиб бориляпти.

— Матчдан сиз нимани кутяпсиз?

— Мен фақат шуни айта оламанки, шахмат тожи учун бўладиган яккама-якка жангда жаҳоннинг чинакам энг зўр иккита гроссмейстери бир-бирига рўпара бўлади. Рақибларнинг иккови ҳам айни ижодий кутга тўлган пайти, иккови ҳам сабрсизлик билан жанг қилиш иштиёқида ёнмоқда. Спасский билан Фишернинг яккама-якка олишуви бутун шахмат тарихидаги жангларнинг энг машҳурларидан бири бўлади ва ижодий жиҳатдан шахмат санъати хазинасини бойитиши турган гап. Шахсан мен бу матчнинг осойишта шароитларда ўтиши учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қиламан.

— Сизнингча, матчнинг барча 24 партияси ўйналармикин, ё..?

— О, бунисини айтиш менинг бурчимдан ташқари!..

Совет гроссмейстерлари орасида энг масъулиятли, бу билан бирга энг фахрли вазифа Борис Спасский зиммасига тушди. У чорак асрлик ғолибона анъанамизни давом эттириш учун бутун вужуди билан жангга кириши муқаррар. Томонларнинг имкониятларини тахминан баббаравар деб ҳисоблаган ҳолда, вакилимиз — забардаст гроссмейстер Борис Спасский галаба ёр бўлсин, деймиз.

М. МУҲИДДИНОВ.
СССР шахмат федерацияси президиумининг аъзоси, СССР спорт мастери, тарих фанлари кандидати.

В. ЗАХАРОВ.

ЎЗ ХОҲИШИМ БИЛАН

(ҲАЖВИЯ)

Якшанба куни кечқурун уйга киришим билан холам бошимга қаради-ю: лабини тишлади, ҳам ачиниб, ҳам аччиғланиб деди:

— Ахир бошинг деворга тегибди-да, бечора!.. Ҳали Катерина келсин, шу ялтироқ бошингни бошлаб совунлайдики...

— Нима деяпсиз ўзи, холажон! — дедим шошиб. — Мен сочимни ўз хоҳишим билан олдирдим. Врач маслаҳат берди. Қазоқ йўқолар эмиш.

Холам менга яна бир қирғий қараш қилди-да, юзини бурштирганича ошхонага кириб кетди. Мен бир стакан чой ичгач газетани қўлимга олдим. Лекин Наташка ўқиганни қўймади.

— Дада, сиз ҳам ҳушёрхонага тушдингизми, а? Эҳ, жуда ҳунук бўлиб қолибсиз, дада...

Мен унга тушунтириб улгурмаган ҳам эдимки, хотиним келиб қолди. Илжайдим, лекин у менга совуқ бир қараш-да, чақиб олди:

— Табриклайман! Қанча шилдиқ?

— Ҳаммаси бўлиб 20 тийин холос, — ҳазиллашмоқчи бўлдим мен.

— Ҳо, жуда арзон-ку... Қани, «ўҳ» деб кўринг-чи!

Бахтга қарши, шу кеча бир ошнам билан ресторанга кириб, кўнгилхушлик учун озгинадан отган эдик. Жудаям оз. Бироқ шунинг ўзи ҳам Катеринанинг исботсиз хулоса чиқариши учун етарли бўлди:

— Демак, сизга ҳам навбат келибди-да! — дея ўқрайганича холам кетган томонга равона бўлди.

Туни билан тиканакда ётгандек у ёнимдан-бу ёнимга ағнаб чиқдим. Эрталаб бир стакан қуруқ-қина чой ичдиму, ишга жўнадим. Соат саккиз яримда табелчи қиз ишхонаҳиб келиб, мени цех бошлиги чақираётганлигини айтди.

— Сендан буни ҳечам кутмагандим, — деди Семён Иванович кўзойнаги устидан бошимга қараб. — Ўзим олдирдим дейсанми, Колчиков, айлантирма, ҳозир ким ўзи олдирар экан? Қачонки, сартарошхоналарда справка берадиган бўлишади—унда бошқа гап... Ҳа, майли, нима гаплигини қоғоз келганда биламиз. Фақат, бошингга ул-бул қийиб ол, бошлиқлар кўрса уят бўлади...

Семён Ивановичнинг ҳузуридан дилим ҳуфтон бўлиб чиқдим. Цехда эса ҳамма менга кўз қири билан қарайди. Бу қарашлардан: «Тағин мастер эмиш! Шўри қурибди бечоранинг. Шундай бўлади деб ким ўйлаган эди?» деган гапларни уқиб олиш мумкин эди.

Асбобхонада, асбоблар хўжалиги бюросининг бошлиғи Федор Напильников елкамга қоқиб юпатган бўлди.

— Хафа бўлма, Павел, Биринчи бўлиб сен тушаётганинг йўқ у ерга... Албатта, ичиликсиз мумкин эмас, бироқ меёрини билиш керак... Сартарошхонада бўлдим дейсанми? Қўйсангчи, бу ҳозир мода эмас. У замонлар ўтиб кетган... Сен яхшиси бу ҳақда оғиз очмагин.

— Сен нима, Павел, қилмишингни пардаламоқчимисан! — деди механик қувноқ товушда.— Парво қилма! Яхшиси, балиқчиларга қўшил, ўртоқ. У ерда табиат соз, соқолингни ҳам, сочингни ҳам олмайсан. Ичасан, закуска қиласан—балиқ овлайсан. Шундай эмасми.

Қизиқ, мен ким билан гаплашмай, сочимни ўз ҳоҳишим билан олдирганимга, ҳушёрхонанинг ҳатто эшиги, қай тарафга очилишини ҳам билмаслигимга ҳеч ким ишонмас эди. Хотиним билан холамни-ку, айтмай қўяқолай! Маош олгунимча ўтган икки ҳафта ичида атрофимдан жанжал аримади.

Албатта, ҳушёрхонадан ҳеч қандай қоғоз келмади. Секин-аста ҳамма парса ўз жойига туша бошлади, сочим ҳам ўсди. Лекин энди мен сартарошхонага бориб бўлмай! Агар справка берадиган бўлишмаса — сартарошхонани елкамнинг чуқури кўрсин!

Ҳ.ОЛИМЖОНОВ
таржимаси.

ҲАР ТЎҒРИДА

АЙИҚ ҲУКМИ

Иванель қишлоғида яшовчи тўрт ҳаваскор овчи ҳамқишлоқларидан яширинча бир айланиб келгани узоқ участкага қараб йўлга тушишди. Бу тўрт оғайнининг нияти қуён овлаб ҳамқишлоқлари олдида бир мақтаниш эди. Уларнинг бири—совхоз тракторчиси В. Попов билан айиқ дуч келиб қолди. Айиқ овчининг қўлидан қуролни тортиб олгач, қулоғини тағига қараб шундай бир тушириди, В. Попов буткул ҳушини йўқотиб чалқанчасига қолади. Айиқ ўз ишини қилиб, йўлга равона бўлди.

В. Поповнинг шериклари кўп ўтмай уни топиб олишиб, касалхонага олиб келишди. Шундай қилиб бебош, тартиббузар овчининг устидан айиқ чиқарган ҳукм тезда бутун атрофга ёйилди.

ҚАЕРГА ҚОЧЯПСАН, ДЕЗДЕМОНА?

СССР халқ артисти Владимир Тхапсаев учун Отелло роли энг яхши роллардан бири ҳисобланади. Санъаткор Веймар шаҳрида ўтказилган Шекспир кунларида қора мавр ролини ижро этиш шарафига муяссар бўлган. Лондонда ҳам В. Тхапсаев севган ролини ўз она тили—осетин тилида ижро этган. Кунларнинг бирида ажойиб бир ҳодиса юз берди. Осетияга гастролга меҳмон бўлиб келган артистка Тхапсаев билан бирга спектаклда қатнашиш ва Дездемона ролини ижро этиш истагини билдирди. Спектакл жуда яхши давом этарди. Саҳнадаги воқеа ниҳоясига етай деганда кутилмаган ҳодиса бўлди. Тхапсаев ролни шундай моҳирлик билан ижро этардики, асар давомида рашкчи эр айбсиз қайғисини бўғиб ўлдириши керак эди. Дездемона Отеллонинг важоҳатини кўриб чиндан ҳам кўрқиб кетди-да, қичқириб саҳнадан чиқиб кетди. Мавр эса воқеа нима бўлганини тушунмай саҳнада ҳангманг бўлиб қолди...

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 дан — Москва кўрсатади, ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 «Крим афсонаси». Болалар учун мультфильм, 18.20 — «Таниш оҳанглар». Фильм-концерт, 18.50 — «Ахборот» информацион программаси.

Ўзбек тилида: 19.10 — «Икки қитъа овози». Олмаотада бўладиган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси олдидан, 19.40 — «Ахборот» информацион программаси, 20.00 — «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув, 21.00 — «Ёш ижрочилар». Абдураҳмон Ботиров, 21.35 — Миллионлар ленинча университети. «Адабиёт ва санъатда партиявийлик». Кўрсатувни филология фанлари доктори профессор Лазиз Қаюмов олиб боради, 22.05 — «Сеҳр дарёси тошганда». Бадиий фильм.

Рус тилида: 23.45 — «Нозик қалб дастидан қайғу». Телевизион спектакль, 00.40 — «Балли қизлар». Ҳужжатли фильм.

01.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.25 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — «Уруш ва тинчлик чегарасида». Ҳужжатли фильм (ўзбек тилида). Рус тилида: 20.50 — «Ишга таклиф этамиз». Реклама. 21.00 — «Банк хўжайини». Телевизион спектакль.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРДА — 14/VI да Тоғ гўзали, 15/VI да Ҳалима, 16/VI—Лақма.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Уч мушкетёр — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли, «ВОСТОК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қишки Англия — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Ғалати кун — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ромео ва Жульетта (2 серия)— «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Онтарио бўйидаги саргузаштлар — НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Запасдаги офицер — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Уч мушкетёр — «ФЕСТИВАЛЬ», Онтарио бўйидаги саргузаштлар — «ХИВА».

27 июнь кундуз соат 1 да Тошкент Қишлоқ хўжалик институти мева ва сабзавотлар факультетининг илмий совет кенгаши (47 аудиторияда қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун.

П. Г. Джуров: «Ўзбекистон шароитида тупроқсиз (гидропоник) усулда ширин гаримдори етиштириш» деган темада;

В. П. Черновалова: «Самарқанд области шароитида олхўри мева навларини ишлаб чиқариш ва биологик нуқтаи назардан баҳолаш» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Орзоникидзе район, 4-алоқа бўлими)да танишиш мумкин.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ БЮРОСИ 11-«ВИСОТСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

(Ленинград кўчаси, 19-уй).

ғишт терувчилар, дурадгорлар, арматурчилар, бетончилар, электр пайвандчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Елғиз кишилар яхши шароитли ётоқхона билан таъминланадилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОЛЕТАР КУЧАСИ, 4-УЙ АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ БЮРОСИ ВА УНИНГ ҚУЙИДАГИ РАЙОН ПУНКТЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ЛЕНИН РАЙОНИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй;

ҲАМЗА РАЙОНИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй;

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй;

КИРОВ РАЙОНИ— 2-Белинский переулок, 6-уй;

С. РАҲИМОВ РАЙОНИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй;

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ — «Чилонзор» массиви, 2-квартал, 53-уй;

ФРУНЗЕ РАЙОНИ — Шота Руставели кўчаси, 62-уй.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64697.
Р. 01530. Б. 1771.